

Фоний дунё



08:00 / 27.03.2021 4902

Сулаймон ибн Абдулмалик волий бўлиб турган кунларининг бирида жума куни чиройли бир кийимни кийди, хушбўйликлардан сепди. Сўнг саллаларидан бирини танлаб, уни кийди-да, қўлига асони олиб, минбарга кўтарилди. Одамларга юзланиб, уларга айтмоқчи бўлган хутбасини айтиб кўрди. Кейин эса ўзидан мағрурланиб кетиб, ўзича: «Нақадар қудратли, ҳайбатли ва саховатли подшоҳман-а!» деди. Шу пайт жорияларидан бири кўз олдида гавдаланиб қолган эди, ундан: «Мўминларнинг амири ҳақида нима дея оласан?» деб сўради. Жория шундай деди: «Нафслар орзу қиладиган, кўзларни қувонтирадиган инсон. Фақат... бир шоир айтганки...», деди. Подшоҳ: «Хўш, нима деган ўша шоир?» деди. Жория шундай деди:

«Агар боқий қолганингда эди,

Қандай яхши матоҳ бўлардинг!

Лекин инсонга боқийлик йўқдир.

Аллоҳ биладики, сен ўткинчисан!»

Бу гаплардан Сулаймон ибн Абдулмаликнинг кўзларига ёш келди. Йиғлаганча одамларнинг олдига чиқди. Хутбани ва намозни тугатгач, ўша жориясини чақриб, «Мўминларнинг амирига бу гапларни айтишга сени нима ундади?» деди. Жория: «Мен бугун мўминларнинг амирини кўрмадим ҳам, олдига кирмадим ҳам-ку?» деди. Сулаймон ҳайрон бўлиб, жорияларни назорат қилувчи одамни чақриб, ундан сўраган эди, у жориянинг гапини тасдиқлади. Подшоҳ кўрқиб кетди. Орадан кўп ўтмай, Сулаймон ибн Абдулмалик вафот этди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан олинди